

1.	<b>ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ</b>								
	Тўлик:	«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки							
	Қисқартирилган:	«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ							
	Биржа тикерининг номи:	AABK							
2.	<b>АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ</b>								
	Жойлашган ери:	100047, Ташкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2А							
	Почта манзили:	100047, Ташкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2А							
	Электрон почта манзили:	info@aab.uz							
	Расмий веб-сайти:	aab.uz							
3.	<b>МУҲИМ ФАКТ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ</b>								
	Муҳим фактнинг рақами:	06							
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар							
	Умумий йиғилиш тури:	Йиллик							
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	11.05.2017							
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	11.05.2017							
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	100047, Ташкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2А							
	Умумий йиғилиш кворуми:	57,29							
		<b>Овоз бериш яқунлари</b>							
	<b>№</b>	<b>Овоз беришга қўйилган масалалар</b>	<b>ёқлаш</b>		<b>қарши</b>		<b>бетарафлар</b>		
			<b>%</b>	<b>сони</b>	<b>%</b>	<b>сони</b>	<b>%</b>	<b>сони</b>	
	1.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш	100	284 531 020	-	-	-	-	
	2.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш	100	284 531 020	-	-	-	-	
	3.	Банк Кенгаши Раисининг 2016 йил яқунлари бўйича Банк фаолияти натижалари ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботини эшитиш	100	284 531 020	-	-	-	-	
	4.	Банк Бошқаруви Раисининг 2016 йил яқунлари бўйича Банк фаолияти натижалари ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботини эшитиш	100	284 531 020	-	-	-	-	
	5.	Банкнинг 2016 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш	100	284 531 020	-	-	-	-	
	6.	2016 йил яқунлари бўйича банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш	100	284 531 020	-	-	-	-	

7.	2016 йил якунлари бўйича Банк соф фойдасини тақсимлаш	100	284 531 020	-	-	-	-
8.	Банк акциядорларига дивиденд тўлаш	100	284 531 020	-	-	-	-
10.	Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш	100	284 531 020	-	-	-	-
11.	Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган шартномаси муддатини узайтириш	100	284 531 020	-	-	-	-
12.1	Аффилиланган шахслар билан битимларни маъқуллаш (5-1-сонли иловага мувофиқ)	100	142 145 506				
12.2	Аффилиланган шахслар билан битимларни маъқуллаш (5-2-сонли иловага мувофиқ)	100	284 531 020	-	-	-	-
12.3	Аффилиланган шахслар билан битимларни маъқуллаш (5-3-сонли иловага мувофиқ)	100	16 467 963	-	-	-	-
13.	Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш	100	284 531 020	-	-	-	-
14.	Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш	100	284 531 020	-	-	-	-
15.	Банк томонидан жойлаштириладиган қўшимча акциялар олинishiга Банк акциядорларининг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида	100	284 531 020	-	-	-	-
16.	Банк уставига қўшимча ва ўзгартириш киритиш	100	284 531 020	-	-	-	-
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин: - кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш – 10-15 минут; - кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоб – 10-15 минутдан.						
2.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Санок комиссиясини, уларнинг ваколатларини кейинги йиллик умумий йиғилишгача 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин: - Усманов Х.А. – «DEPO-INVEST-TRAST» МЧЖ Директори; - Саматов З.П. – «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ бўлим бошлиғи; - Сабурова Л.М. – «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ бош мутахассиси.						
3.	Банк Кенгаши Раисининг 2016 йил якунлари бўйича Банк фаолияти натижалари ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин (Баённоманинг 1-илоvasи) ва 2016 йил якунлари бўйича Банк Кенгаши фаолиятини қониқарли деб ҳисоблансин.						
4.	Банк Бошқаруви Раисининг 2016 йил якунлари бўйича Банк фаолияти натижалари ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин (Баённоманинг 2-илоvasи) ва 2016 йил якунлари бўйича Банк Кенгаши фаолиятини қониқарли деб ҳисоблансин.						
5.	Банкнинг 2016 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини Баённоманинг 3-илоvasига мувофиқ тасдиқлансин.						
6.	2016 йил якунлари бўйича банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини маълумот учун қабул қилинсин (Баённоманинг 4-илоvasи) ва Тафтиш комиссиясининг 2016 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.						

7.	<p>2016 йил якунлари бўйича Банк томонидан олинган 39 232 977 927,18 сўм миқдордаги соф фойда қуйидаги тартибда тақсимлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 2016 йил якунлари бўйича банк соф фойдасининг 5% ёки 1 961 648 896,36 сўмни умумий заҳира фондига йўналтирилсин;</li> <li>- 2016 йил якунлари бўйича банк соф фойдасининг 5% ёки 1 961 648 896,36 сўмни Банк имтиёзли кредитлаш фондига йўналтирилсин;</li> <li>- 2016 йил якунлари бўйича банк соф фойдасининг 14,33% ёки 5 622 959 683,16 сўмни стандарт активлар бўйича захирани шакллантиришга йўналтирилсин ва ушбу суммадан 1 693 079 281,87 сўм (4,32%) 2016 йилда йўналтирилган (11.05.2016 йилдаги Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори) ҳамда 3 929 880 401,29 сўм (10,01%) жорий йиғилиш якунлари бўйича йўналтирилсин;</li> <li>- 2016 йил якунлари бўйича банк соф фойдасининг 75,66% ёки 29 685 673 045,46 сўмни дивиденд тўлашга йўналтирилсин ва ушбу суммадан 17 482 590 329,6 сўм (44,56%) 2016 йил 1 ярим йиллиги якунлари бўйича дивиденд сифатида ҳисобот йилида тўланган (30.09.2016 йилдаги Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори) ҳамда 12 203 046 715,86 сўм (31,1%) жорий йиғилиш якунлари бўйича тўлансин;</li> <li>- 2016 йил якунлари бўйича банк соф фойдасининг 1 083 405,84 сўм миқдорда қолган қисмини Банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин.</li> </ul>
8.	<p>2016 йил якунлари бўйича банк соф фойданинг бир қисми ҳисобидан дивиденд тўлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банкнинг битта оддий акциясига 24,57 сўм миқдорда дивиденд белгилансин;</li> <li>- дивидендлар пул маблағлари билан акциядорларнинг банк ҳисобварақларига нақдсиз шаклда пул ўтказиш, шу билан бирга банк кассалари орқали нақд пулда тўланади;</li> <li>- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 19 май 2017 йил;</li> <li>- дивидендларни тўлашнинг тугаш санаси 7 июль 2017 йил;</li> <li>- расман эълон қилинган йиғилиш ўтказиш санасидан уч иш куни олдин акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядор акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.</li> </ul>
9.	<p>Банк Кенгаши бир йил муддатга акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишгача қуйидаги таркибда тасдиқлансин: Абдурайимов Б.Т., Алимов А.М., Джураев А., Касымов А.С. ва Мкртчян О.Л.</p>
10.	<p>Банк Тафтиш комиссия бир йил муддатга акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишгача қуйидаги таркибда тасдиқлансин: Чеботарёва Н.В., Усманов Д.М., Зияев Ж.А.</p>
11.	<p>Банк Бошқарув Раиси Абдукахоров И.А. билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишгача узайтирилсин.</p>
12.	<p>Банк унинг аффилиланган шахслари билан тузган битимлари, шу билан бирга акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишгача бўлган муддатда аффилиланган шахслар билан келгусида Банкнинг кундалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар Баённоманинг 5-1, 5-2, 5-3-иловаларига мувофиқ маъқуллансин.</p>
13.	<p>13.1. Банкда корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши маълумот учун қабул қилинсин. 13.2. Бошқарув Раиси (Абдукахоров И.А.) ва Корпоратив маслаҳатчи (Даниелян Э.А.) Банкда корпоратив бошқарув тизими баҳосини янада ошириш бўйича чоралар кўрсин.</p>
14.	<p>Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 200 000 000 дона деб белгилансин.</p>
15.	<p>Ушбу қарорни қабул қилган кундан бир йил муддатда Банк томонидан жойлаштириладиган қўшимча акциялар олинишига Банк акциядорларининг имтиёзли ҳуқуқини қўлланилмасин.</p>

16.	Банк уставига қўшимча ва ўзгартиришлар Баённоманинг 6-иловасига мувофиқ киритилсин ва тасдиқлансин.					
Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар						
№	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
-	-	-	-	-	-	-
9. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:						
Кандидатлар тўғрисида маълумот						
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Овозлар сони
				тури	сони	
1.	Абдурайимов Боходир Турсинович	“Inter Asia Trade” МЧЖ ҚҚ	Бош директор	оддий	47461838	284 531 020
2.	Алимов Алишер Музаффарович	“Akwa Foods Impeks LTD” ХК	Менежер	оддий	47461838	284 531 020
3.	Джураев Абдулла	-	Пенсионер	оддий	52485772	284 531 020
4.	Касымов Амир-Саид Сайдарифович	“Sirex Trade” МЧЖ	Менежер	оддий	47461838	284 531 020
5.	Мкртчян Овик Леонардович	“Gor Investment Limited” ваколат-хонаси	Корпоратив маслаҳатчи	оддий	87992187	284 531 020
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг матни иловада келтирилган						

Бошқарув Раиси

Абдукаҳоров Икрам Абдухаликович

Бош бухгалтер

Шарипов Дилмурод Пулатович

Ҳазначилик бошқармаси  
бошлиғи

Болтаев Ихтиёр

**Илова**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами \_\_\_\_\_-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси  
биринчи ўринбосари  
С.С. Ходжаев

---

# **“ASIA ALLIANCE BANK”**

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ**

**УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

Банк акциядорларининг  
2017 йил 11 майдаги  
навбатдаги йиллик  
умумий йиғилишининг  
АС-2/2017-сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

Йиғилиш Раиси  
А.С.Касимов

---

**Тошкент - 2017 йил**

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг  
Уставига киритилган 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1) Уставнинг 2.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.2. Банкнинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А уй, почта индекси - 100047.”.

**2) Уставнинг 7.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“7.2. Банк устав фондини (устав капитални) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 200 000 000 (икки юз миллион) дона эгаси ёзилган оддий, Банк Кенгаши қарорига мувофиқ ёпиқ обуна орқали Банкнинг барча акциядорлари ёки уларнинг бир қисмига жойлаштириладиган, акциялардан иборат.”.

**Бошқарув Раиси**

**И.А. Абдукаҳоров**